


Шавкат
МИРЗИЁЕВ:

Алишер
Навоийнинг
бебаҳо ижодий-
илмий мероси
нафақат халқимиз,
балки жаҳон
адабиёти тарихида,
миллий
маданиятимиз ва
адабий-эстетик
тафаккуримиз
ривожда алоҳида
ўрин тутди.

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



IJTIMOIIY - SIYOSIIY GAZETASI




Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

5-fevral
2026-yil
5 (1 159)

21asr.uz XXIasr_yangiliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

9 ФЕВРАЛЬ – АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



6

Мурожаат, таклиф ва ниҳоят ечим

O'zLiDeP шафелигида тузилган ишчи гуруҳ йилнинг тўрт фаслида ҳам тиним билмайди. Кузатсангиз, гоҳи олис Оролбўйида, гоҳи Сурхондарё кенгликларида, бу ёғи эса водий вилоятларида сиёсий куч хайрихоҳлари орасида неча ўнлаб мурожаатлар юзасидан ўрганишлар олиб борилади, сайловчиларни қийнаётган айрим муаммоларга масъуллар билан бирга жавоб изланади.

Ушбу сурат Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари Актам Хаитов бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг ўтган йилги сафарларидан бирида олинган.



4

2



ИСЛОҲОТЛАР ОРТГА
ҚАЙТМАЙДИ

2



МАҲАЛЛАДА ИШБИЛАРМОН
АЁЛЛАР КЎПАЙСА...

3




МУАММОЛАРГА АМАЛИЙ
ТАКЛИФЛАР

5



ҲАЛОЛЛИК ВА АДОЛАТ:
архив хизматларида шаффофлик
қандай таъминланмоқда?

УСМОН
АЗИМДАН
КЕЛГАН
ЁЛҒОН
ХАБАР



ТЕЛЕГРАМ ФИРИБГАРЛАРИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНЯПТИ



Иброҳим ҲАҚҚҲУЛ:

Навоий – бутун миллат
ва Ватanning халоскори

Алишер Навоий зулм ва зўравонлик, ижтимоий-сиёсий ҳақсизликларга кўксини қалқон қилган ҳақпараст санъаткор эди. Салтанат ва сиёсатдан келадиган адолатсизликлардан, ташқи муҳитдаги ҳар турли ёвузликлардан инсонни ҳимоя айлашга чоғлангани боис ҳам Навоий ишнинг сўздан ажралиб қолиши, у ёки бу моддий манфаат юзасидан тарк ҳолидан йироқлашишга ҳеч ён бермаган.

6

ИШЧИ ГУРУХ

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, парламент қўйи палатасидаги партия фракция раҳбари Актам Хайтов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қашқадарё вилоятида бўлиб, Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида амалга оширилиши белгиланган устувор вазифалар ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси асосидаги Давлат дастури лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбирларда иштирок этди.

Қарши техника университети профессор ўқитувчилари ва талабалари иштирокидаги тадбирда сўзга чиққанлар юртимиздаги маҳаллаларда ўн мингдан ортиқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини бошлаб, 100 мингта янги иш ўрни яратиш, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 3,5 мингта етказиш, маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш учун 20 триллион сўм маблағ йўналтириш, маҳалладаги муаммоларни тезкор ҳал этиш ва давлат органларининг ишини 7/24 онлайн

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси вакиллари-дан иборат ишчи гуруҳи аъзолари томонидан **Ғузор туманидаги Мустақиллик маҳалласида** Президентимизнинг 2025 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги фармони ижроси билан боғлиқ амалий ишлар ўрганилди. Учрашувларда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш – муайян вақтда мамлакат ҳудудида яшовчи барча аҳоли ҳақида демографик, ижтимоий ва иқтисодий маълумотларни йиғиш экани, уни ўтказишдан мақсад эса келгусида ҳудудларни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишга йўналтириш экани, янгиланган метод ва тартиблар асосида ўтказиладиган мазкур жараёнда тўпланадиган маълумотлар иқтисодиётни барқарорлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали бандлиқни ошириш ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни аниқлашдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Маҳалла фаоллари билан мулоқотлар чоғида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш, рўйхатга олиш жараёнини юксак савияда яқунлаш лозимлиги хусусида тегишли тавсиялар берилди.

– Давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилаётган



Ислохотлар ортга қайтмайди

назорат қилиш борасида мазкур ҳужжатда белгиланган долзарб вазифаларнинг ўз навбатида партия Сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишлар билан ҳамоҳанг эканлигини алоҳида эътироф этишди.

Айниқса, касбларни ривожлантириш, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб 7 та ҳудудда “Касблар шаҳарчалари” ташкил этиш, мактаб ўқувчиларини замонавий касбларга йўналтириш, техникумларда стипендия тўлаш тизимини йўлга қўйиш, малакани баҳолаш марказлари ташкил этиш ва сертификатлар бериш, илғор таълим дастурлари жорий этилган техникумлар сонини кўпайтириш хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши қайта-қайта таъкидланди.

Ўрганишлар жараёнида Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар – камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, “оғир” маҳаллаларда иш ўринлари яратиш каби ҳаётий масалалар ишчи гуруҳ аъзолари томонидан атрофлича таҳлил қилинди. Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли учун янги иш ўринлари яратиш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш асосида оилаларни камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини кўпайтириш жорий йил учун энг устувор вазифа эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Йиғилишда талаба ёшларнинг ташаббусини эътиборга олган ҳолда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, жой ажратиш, молиявий кўмак бериш ишларини соддалаштириш, маҳалла кесимида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашилди. Ажратилаётган имтиёзли кредитлар, “оғир” туман ва маҳаллалар учун алоҳида молиявий механизмлар жорий этилаётгани, аҳолини ишли қилиш ва барқарор даромад манбаини яратишда депутатлар ва партия ташкилотлари томонидан манзилли тақлифлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилиши аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

селектор йиғилишларида маҳаллани ислохотлар таянчи сифатида ривожлантириш, аҳоли билан ишлашни маҳалладан бошлаш устувор вазифа сифатида белгилаб келинаётгани бажиз эмас, – деди **О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Фракция ва депутатлик гуруҳлари билан ишлаш департаменти раҳбари Ақром Алимов**. – Айни ёндашув янгиланаётган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам ўз ифодасини топиб, давлат бошқаруви, ижтимоий ҳимоя ва бандлик сиёсати аниқ маълумотлар асосида амалга оширилиши зарурлиги таъкидланган. Эътибор берайлик, “инсон – ислохотлар марказида” деган тамойилни илгари суриб, ҳар бир қарор реал ҳаёт, аниқ статистика ва маҳалладан олинаётган маълумотларга таяниши лозимлиги нега такрор-такрор ўқтирилмоқда? Ушбу масалалар, ҳаммамиз гувоҳи бўлганимиздек, ўтган йил 26 декабрда Президентимиз томонидан Олий Мажлис ҳамда халқимизга Мурожаатномада ҳам ўз аксини топиб, аҳолини рўйхатга олиш орқали мамлакатдаги ҳақиқий ижтимоий-демографик ҳолатни аниқлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва манзилли ижтимоий сиёсат юритиш устувор вазифа сифатида белгиланган эди.

Ишчи гуруҳ аъзолари рўйхатга олиш жараёнининг бориши, рўйхатдан ўтмаган ҳонадонлар ҳолати, аҳоли сони, ижтимоий қатламлар кесимидаги маълумотларни ўрганиб, жараёнининг қамрови ва сифатига алоҳида эътибор қаратишди. Маҳалла нурунийлари билан учрашув чоғида ҳам аҳолини бу тадбирнинг мамлакат тараққиёти учун аҳамияти, унинг келгусида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, манзилли дастурларни ишлаб чиқишдаги ўрни хусусида фикр алмашилди. Кексалар ҳам ўз навбатида аҳолини ушбу жараёнга фаол жалб этиш, маълумотларни тўлиқ ва аниқ тақдим этиш ишларига кўмаклашишларини билдиришди.

Шунингдек, маҳалла ҳудуди билан яқиндан танишиш, инфратузилма ҳолати, ижтимоий объектлар, яшаш шароитларини кўздан кечириш аҳолини рўйхатга олиш натижаларини таҳлил қилишда аниқ, ҳолис ва манзилли ҳулосалар чиқариш имконини бериши таъкидлаб ўтилди.

Тадбир сўнгига партия депутатлик гуруҳлари ва қўйи бўғинлар фаолиятини янада жонлантириш ва белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда маслақдошлар фаоллигини янада ошириш бўйича тегишли чоралар белгилаб олинди.

Ишчи гуруҳ аъзолари қадим **Шаҳрисабз шаҳридаги “Қозғузсар” маҳалла фуқаролар йиғини**да бўлиб, “еттилик” томонидан фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларни мақбул ечимларини топиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, фуқаролар мурожаатлари билан тизимли ишлаш, ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, ҳунармандчилик ва каштачиликни ривожлантириш, кредит ажратишда шаффофликни таъминлаш, оилалар даромадларини ошириш борасида қилинаётган ишлар таҳлил этилди.

Очиқ мулоқот жараёнида жойлардаги ижтимоий масалаларни ҳал этишда депутатлик назорати ҳамда партия фаолларининг иштирокини таъминлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Кейинги манзил **Шаҳрисабз шаҳрида** жойлашган Қашқадарё вилояти Касбий кўнликмалар минтақавий маркази мажлислар залида касб-ҳунар ўрганаётган талабалар ва ўқитувчилар билан очиқ мулоқот ташкил этилди. 100 нафарга яқин ёшлар ҳамда партия фаоллари иштирок этган мулоқот жараёнида ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни замонавий касб-ҳунарларга йўналтириш, меҳнат бозорига рақобатбардор кадрлар тайёрлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, йиғит-қизларнинг профессионал тайёргарлиги ва ижодкорлик салоҳияти қанча юқори бўлса, жамият келахақи ҳам шунча барқарор бўлади. Бугунги глобаллашув даврида ёшлардан доимий ҳаракатда ва касб-ҳунари бўлиш, креатив ва замонавий фикрлаш орқали янги ғоя ҳамда ташаббусларни илгари сурish талаб этил-

моқда. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар мустаҳкамланган, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун имконият ва имтиёзлар яратилган. Сўнгги йилларда, кузатилаётганидек, бошқарув кадрлари таркиби ҳам ёшарди. 40 ёшгача бўлган раҳбарлар улуши 37 фоиздан 65 фоизга ўсгани Янги Ўзбекистонда “халқ хизматидаги давлат” тамойилини рўёбга чиқаришда иқтидорли, жонқуяр ва етакчилик қобилиятига эга йиғит-қизларга ишонч билдирилаётганидан далолат беради.

“Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” деган ғоя амалий ишлар билан тасдиқланиб, бу борада турли ислохотлар, дастур ва лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ташаббусларни рўёбга чиқариш учун бюджет маблағлари йўналтирилмоқда. Маҳаллаларда фуқароларнинг миграция баланси шакллантирилиб, рақамли маҳалла платформа баланси шакллантирилиб, рақамли маҳалла платформаси орқали онлайн мониторинг қилиш тизими жорий этилди. Сўзга чиққанлар хорижда ишлаш истагида бўлган ёшлар юқори маошли корхоналарга хавфсиз ва тартибли меҳнат миграцияси тизими орқали юборилаётгани, кўрсатилаётган имтиёз ва имкониятлар туфайли юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган келажагимиз эгаларининг бандлиги таъминланиб, реал даромадлари ва ютуқлари кўпаяётгани оилалар фаровонлигига хизмат қилаётгани ижобий ҳол эканлиги ҳақида сўз юритдилар.

Икки кунлик ўрганишлар чоғида вилоятда аҳоли бандлиги ва фаровонлиги таъминлаш борасидаги амалий ишлар, рўйхатга олиш жараёнини уюшқоқлик билан ўтказиш, “маҳалла еттилиги” фаолиятини талаблар даражасида ташкил этиш, аёллар ва ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар атрофлича ўрганилди. Ишчи гуруҳи томонидан ташкил этилган мулоқот ва учрашувларда аҳоли томонидан қилинган мурожаатларда кўтарилган муаммоларни бартараф этиш учун депутатлик сўровлари юборишга келишиб олинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

О'zLiDeP ТАШАББУСИ

МАҲАЛЛАДА ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР КЎПАЙСА...

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

О'zLiDeP ташаббуси билан амалга оширилаётган “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳаси доирасида ўтказилган саралаш босқичида Хўжайли туманидаги Қўмбиз, Қирқинчи ҳамда Шағала кўл маҳаллаларида фаолият юритаётган тадбиркор ва ташаббускор хотин-қизлар иштирок этишди.

Танлов давомида Наргул Худайбергенова бошчилигидаги бир қатор ишбилармон аёллар ўз ижтимоий фаолиги, меҳнат тажрибаси ва тадбиркорлик ютуқлари билан қатнашдилар. Айниқса, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларни меҳнат бозорига жалб этиш ва янги иш ўринлари яратишга қаратилган ташаббуслар ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Тадбирда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулжан Халмуратова** иштирок этиб, маҳаллаларда самарали меҳнат қилиб келаётган хотин-қизларнинг бой тажрибаси, ютуқлари ва жамият ҳаётидаги фаоллигини алоҳида эътироф этди.

“Қорақалпоқ текстиль” МЧЖ ательесида бўлиб ўтган танлов жараёнида тадбиркор ва ҳунарманд аёлларнинг иш тажрибаси, касбий маҳорати, ташаббусдорлиги ҳамда ижтимоий фаоллиги асосий мезонлар сифатида баҳоланди. Мазкур корхона раҳбари Наргул Худайбергенова миллий кийим-кечаклар, кўрпа-тўшаклар, миллий ва замонавий келинчақ кўйлақлари, шунингдек, тўй маросимлари учун мўлжалланган анжомлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келмоқда. Унинг махсуслотлари нафақат маҳаллий бозорда, балки қўшни ҳудудларда ҳам катта талабга эга.

Устоз-шоғирд аъёнасини изчил давом эттираётган Наргул Худайбергенова бошчилик қилаётган корхонада айни пайтда 52 нафар доимий ва 70 нафар мавсумий ишчининг бандлиги таъминланган. Уларнинг аксарияти шоғирдлар бўлиб, бу ҳолат нафақат янги иш ўринлари яратиш, балки ёш авлодга касб ва амалий тажриба беришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танлов доирасида, шунингдек, “Қирқинчи” МФЙда фаолият юритаётган “Aida’s Bakery House” ҳамда “Шағала кўл” МФЙдаги “Sargo Showroom” текстиль корхоналарида иш олиб бораётган ишбилармон аёллар ҳам ўз лойиҳалари ва эришган ютуқлари билан иштирок этди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

САМАРҚАНД

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Муҳсинхон Холмухамедов** ҳамда **Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Ғўзал Абдуқалова** Ургут туманида сайловчилар билан мулоқотлар чоғида аҳолини иш билан таъминлаш, томирқалардан самарали фойдаланиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда даромад топиш манбаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратди.



Эътиборли жиҳати, халқ вакиллари “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳаси доирасида тумандаги маҳаллаларда ўтказилаётган саралаш босқичларида ҳам қатнашмишди. Хусусан, “Нисбот” МФЙда Дания навли малина етиштириш лойиҳаси муваффақиятли йўлга қўйилгани ҳамда 200 хонадон вакиллари шу кунларда кўчатлар парвариши билан бандлигига гувоҳ бўлишди.

Шу маҳаллада фаолият юритаётган оилавий тадбиркор Дилором Суянова 4 сотихли иссиқхонада лимон етиштириб, йилгига ўртача 2 тонна ҳосил олмақда. Бу тажриба оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор даромад манбаларини яратишда ибратли намуна сифатида эътироф этилди.

Боғишамол маҳалласида жойлашган “Гулбаҳор” тикувчилик цехи фаолияти ҳам учрашув иштирокчилари диққат марказида бўлди. Мазкур цехда 40 нафар хотин-қиз доимий иш ўрни билан таъминланган бўлиб, бу маҳаллада бандлиқни ошириш, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш йўлидаги муҳим натижа сифатида қайд этилди.

Учрашувлар давомида сайловчилар томонидан билдирилган ҳар бир муаммо, тақлиф ва ташаббуслар диққат билан тингланди. Уларни ўз вақтида ҳал этиш мақсадида тегишли масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлар изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Маҳмуджон САҒДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдამчиси

О'zLiDeP ташаббуси билан ўтказилаётган “Ишбилармон аёл-2026” кўрик-танлови доирасида жорий этилган “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳасининг навбатдаги саралаш босқичи Каттақўрғон шаҳридаги “Давлатобод” МФЙда ташкил этилди.

Шу маҳаллада кўп йиллардан бери тикувчилик фаолияти билан шуғулланиб келаётган Фарида Бобоева “Fetide fashion” бренди остида миллий либослар коллекциясини яратиб, турли кўрик-танлов ва кўргазмаларда муваффақият қозониб келмоқда. 5 нафар хотин-қиз доимий иш ўрни билан таъминланган эса алоҳида мақтовга лойиқ. Тадбиркор аёл келинлар учун миллий либослар, болалар учун замонавий ва аъёнавий кўйлақлар, шунингдек, трикотаж махсуслотларини буюртма асосида тайёрлаб, маҳаллий бозорда ўз миқозларига эга. Бу эса маҳаллада аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, касаначилик ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашда амалий намуна сифатида хизмат қилмоқда.

“Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳасини янада кенгроқ тарғиб этиш мақсадида Фарида Бобоеванинг ибратли фаолияти бошқаларга намуна сифатида тақдим этилди.

Камола АХМЕДЖАНОВА,
О'zLiDeP вилоят кенгаши бўлим мудир

НАВОЙЙ

Навоий юридик техникумида “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳаси талабалари асосида шахардаги Меъморлар маҳалласида фаолият юритаётган ҳунарманд ва тадбиркор хотин-қизлар томонидан қўл меҳнати асосида тайёрланган махсуслотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Азиза Аминова** ҳамда



партия фаолларидан иборат ҳакамлар ҳайъати кўргазмада намойиш этилган ишлар билан яқиндан танишиб, хотин-қизларнинг меҳнати, маҳорати ва ижодкорлигини муносиб баҳолашди.

Шунингдек, мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида фаол меҳнат қилаётган тадбиркор, ишбилармон ва фермер хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда оилавий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга кўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигининг илғор тажрибаларини оммалаштириш, уларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган ҳаётий вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ йўналишларни кўпроқ тарғиб этиш зарурлиги қайд этилди.

– Маҳалламизда тикувчилик, пазандачилик, қандолатчилик, ҳунармандчилик, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик йўналишларида ўз бизнесини дадил йўлга қўйган хотин-қизлар йил сайин кўпайиб бормоқда, – дейди танлов иштирокчиси Ш. Расулова. – Шароит бор, имконият бор, фақат амалдаги қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда тадбиркорлик субъектлари ташкил этиб, одамларни фойдалди, даромадли иш билан таъминлаб, халқимизнинг дуосини олишдан каттароқ бахт борми? Айниқса, бу каби ҳаракатларимиз орқали ҳудудларимизда ишсизликнинг ва камбағалликнинг олдини олишда давлатга кўмакчи бўламиз.

Тадбир якунида фаол иштирок этган хотин-қизлар О'zLiDePнинг эсдалик совғалари ва ташаккурномалари билан тақдирланди.

Қундузхон ЭШҚОРАЕВА,
О'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши бўлим мудир



МУАММОЛАРГА АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

Анъанага кўра жорий йилнинг илк ойида ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси ва партия Сийёсий Кенгаши Ижроия кенгаши аъзолари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳалар, шунингдек, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва маҳалла тизими, тадбиркорликка оид ислохотларнинг бориши билан боғлиқ жараёнларни ўргандилар. Табиийки, муваффақиятлар ўз йўлига, лекин ҳамон ечим излаётган масалалар кам эмаслиги аён.

Албатта, ушбу таҳлиллар шахар-қишлоқ, маҳалла-оилалардан тортиб, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларигача бўлган қатор йўналишларни қамраб олиш баробарида мавжуд имконият ва ечимларни аниқлашга ёрдам берди.

Парламент депутатлари амалдаги қонунлар ижроси, банк тизими, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ногирон болалар учун кундузги парвариш хизматларини кенгайтириш, кичик саноат зоналари инфратузилмасини такомиллаштириш ва ёшлар таълимида рақамли имкониятларни ривожлантириш каби масалалар бўйича ҳам ўз таклифларини тақдим этишди.

Бутун улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

БУХОРО

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Мадина Баратова томонидан Бухоро шаҳри, Ғиждувон, Қоровулбозор ва Когон туманларида давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган мактабгача таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш гуруҳларини ташкил этиш ҳолати ўрганилганда яратилган имкониятлар билан бир қаторда, амалиётда учраётган айрим нуқсонлар ҳам аниқланди.

Статистик маълумотларга кўра, Бухоро вилоятида ногиронлиги бўлган шахслар сони 63 минг 709 нафарни ташкил этиб, шундан 0–6 ёшдаги болалар – 1 минг 796 нафар, 7–17 ёшдаги болалар эса 4 минг 778 нафарни ташкил қилади. Айни пайтда кундузги парвариш хизматлари билан қамраб олинган болалар сони атиги 170 нафар. Бу эса мавжуд эҳтиёжга нисбатан қамров даражаси етарли эмаслигини кўрсатади.



Муаммони бартараф этиш мақсадида амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Хусусан, давлат-хусусий шериклик асосида ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш гуруҳларини ташкил этган тадбиркорларга солиқ ва ижара тўловлари бўйича қўшимча имтиёзлар бериш, нодавлат таълим муассасалари учун давлат субсидияларини ажратиш механизмларини қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурлиги қайд қилинди.

Шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда камида биттадан ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган кундузги парвариш марказларини ташкил этиш бўйича норматив талабларни жорий этиш, ушбу хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишда ваколатли органларнинг вазифа ва масъулиятини аниқ белгилаш таклифи билдирилди.

Юқоридаги таклифларни самарали амалга ошириш, тадбиркорлар учун қулай шарт-шароит яратиш ва ногирон фарзандлари бор ота-оналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур масалаларни ҳукуматнинг алоҳида қарори билан тасдиқлаш мақсада мувофиқ. Хусусан, ушбу қарор орқали давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизматларини кўрсатувчи нодавлат муассасаларини ташкил этиш тартибини белгилаш, тадбиркорларга солиқ имтиёзлари ва субсидиялар ажратиш, лицензиялаш жараёнларини соддалаштириш, шунингдек, ногирон фарзандлари бор ота-оналар учун ваучер, компенсация ёки қисман тўловни қоплаш каби молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш таклиф этилмоқда.

НАВОИЙ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Галия Райханова томонидан Конимех туманидаги “Обод Конимех чашмалари” МЧЖ фаолияти кўздан кечирилганда саноат ва қурилиш йўналишида бир қатор камчиликлар аниқланди. Маълум бўлишича, корхона кичик саноат зонасида, узок ҳудудда жойлашган бўлишига қарамасдан, ер ва мулк солиқлари бўйича ҳеч қандай имтиёзга эга эмас. 2025 йилда корхона томонидан 1 миллиард 800 миллион сўм солиқ тўланган бўлса, 2026 йил учун ушбу кўрсаткич 2 миллиард 800 миллион сўм этиб белгиланган.



Шунингдек, Конимех туманида ишчи кучи етишмаслиги корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Корхона маҳсулотларини мустақил равишда экспорт қилиш учун эса ишлаб чиқарувчи томонидан етарли билим ва амалий кўникмалар талаб этилмоқда.

Аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилиниб, узок чўл ҳудудларида жойлашган кичик саноат зоналарида саноатни ривожлантираётган ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарга, шунингдек, ушбу зоналарда фаолият юритаётган тадбиркорларга солиқ имтиёзлари бериш лозимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, кичик саноат зоналарида сотилмай турган лотлар нархини пасайтириш ёки уларни ишлаб

чиқарувчи тадбиркорларга бепул тақдим этиш таклифи ҳам илгари сурилди.

ЖИЗЗАХ

Фракция аъзоси Рискул Сиддиқов томонидан саноат ва қурилиш йўналишида ўрганиш ишлари олиб борилиб, йирик ишлаб чиқариш, транспорт ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари фаолиятини бошлашдан олдин шовқин экспертизаси ҳулосасини олиш мажбурияти қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмагани маълум бўлди. Бу ҳолат атроф-муҳит ва аҳоли тинчлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.



Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига объектлар фаолиятини бошлашдан олдин мажбурий шовқин экспертизасини жорий этиш тартибини белгилаш лозимлиги кўрсатиб ўтилмоқда. Бу орқали саноат ва хизмат кўрсатиш объектларида шовқин даражасини олдиндан ҳисобга олиш ҳамда уни камайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилиши таъминланади.

Парламент қўйи палатаси депутати Отабек Мусурмонов томонидан таълим соҳасида олиб борилган ўрганишлар натижасида бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 июндаги 341-сонли қарорига мувофиқ ногиронлиги бўлган ёшларга асбоб-ускуналар хариди, таълим ва бошқа харажатлар учун субсидия ажратиш белгиланган бўлса-да, улар учун онлайн ўй таълими тизими мавжуд эмас.

Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида мазкур қарорга қўшимча киритиб, ногиронлиги бўлган ёшлар учун масофавий (*онлайн*) ўй таълими тизимини жорий этиш, шунингдек, уларнинг қизиқишлари асосида касб-ҳунар ўрганиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Шу билан бирга, 14 та хорижий тил ва 9 та умумтаълим фанлари бўйича ўқиш харажатларини қоплаш механизмларини ҳам назарда тутиш лозим.



Шунингдек, таълим кредити олиш жараёнида кўплаб ёшлар кафилилик масаласида қийинчиликка дуч келаётгани аниқланди. Бу ҳолат “Ёшлар дафтари”га онлайн мурожаатлар сони ортишига сабаб бўлмоқда. Маълумотларга кўра, 2 965 нафар ёшга жами 6 миллиард 823 миллион сўм миқдоридида шартнома тўловлари қоплаб берилган.

Мазкур муаммони ҳал этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 312-сон қарорига ўзгартириш киритиб, “Ёшлар дафтари”га киритилган талабаларга банклар томонидан кафилсиз таълим кредитларини ажратиш тартибини жорий этиш таклиф қилинмоқда.

ТОШКЕНТ

Фракция аъзоси Равшан Фазиллов Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналари фаолияти билан танишиб, тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни ўрганди. Учрашувлар давомида асосий мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг “Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4363-сонли қарорнинг 6-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзлари мuddати 2025 йил 1 июлда тугагани билан боғлиқ бўлди. Мазкур масалани бартараф этиш, кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида амалдаги қонунчилик ва қонуности ҳужжатларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш фурсати етгани айтиб ўтилди.

Хусусан, юқорида тилга олинган 4363-сонли қарорнинг 6-бандида белгиланган имтиёзлар мuddатини 2027 йил 1 июлга қадар узайтириш таклиф этилмоқда. Шунингдек, экспорт билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига мол-мулк ва ер солиғидан ташқари қўшимча солиқ кредити ёки давлат субсидиялари бериш тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Ер ва мулк муносабатлари соҳасида Вазирлар Маҳкамасининг 134-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 41-бандини янги таҳрирда баён этиб, ер участкасини ажратиш, чегара белгилаш ҳамда қурилиш учун рухсатнома бериш мuddатини 30 иш кунидан ошмаслиги шартлиги белгилаш таклиф этилди.

Шу билан бирга, ижара шартларини бузган корхоналарни чиқариш бўйича даъво аризалари билан судга мурожаат қилганда кичик саноат зоналари дирекцияларини давлат божидан озод қилиш, кичик саноат зоналари (КСЗ) ҳудудида реконструкция ёки қайта қурилган объектлар балансга ўтказилганда тадбиркорга мулкый ҳуқуқни қонуна қоплатлаш таклиф қилинмоқда.



Барча кичик саноат зоналарида энергия тежамкор технологиялар ва онлайн ҳисоблагичларни жорий этишни мажбурий қилиш, КСЗ дирекцияларига инфратузилма лойиҳалари учун давлат-хусусий шериклик асосида кредит олиш ҳуқуқини бериш ҳам муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга рақобатчи импорт товарларига танлаб акциз ёки қўшимча бож жорий этиш ваколатини Вазирлар Маҳкамасига бериш, экспорт қилувчи тадбиркорлар учун транспорт ва сертификация харажатларининг камида 30 фоизини давлат томонидан қоплашни белгилаш таклиф этилди.

Кичик саноат зоналари дирекцияларини судга мурожаат қилишда давлат божидан озод этиш ҳамда КСЗ Маъмурий кенгаши ваколатларини аниқ белгилаб, ер ажратиш, реконструкция ва қурилиш рухсатномалари бўйича ақуний қарор қабул қилиш ҳуқуқини бериш таклифлари ҳам илгари сурилди.

СИРДАРЁ

Сирдарё вилоятида жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш масалалари юзасидан ўтказилган учрашувларда О'zLiDeP фракцияси аъзоси Гавҳар Олимова иштирок этди.

Мулоқотлар давомида профилактика инспекторларининг амалдаги ташкилий юкламаси ортиб бораётгани, жамоат тартибини сақлашда ёрдамчи жамоатчилик тузилмалари етишмаслиги масаласи кўтарилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 47-сонли қарори билан тасдиқланган фуқаролар йиғини ҳузуридида “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси тўғрисидаги низом 2018 йил 4 июлдан ўз кучини йўқотгани натижасида мазкур йўналишда бўшлиқ юзага келгани таъкидланди.



Бу ҳолат профилактика инспекторлари зиммасига қўшимча вазифалар юкланишига, айниқса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактик суҳбатлар ўтказиш ва маҳаллаларда жамоат тартибини таъминлаш ишларида қийинчиликлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Муаммони бартараф этиш мақсадида амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларига тегишли ўзгартириш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан фуқаролар йиғини ҳузуридида “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини қайта жорий этиш мақсадга мувофиқ экани билдирилди. Мазкур тузилманинг тикланиши маҳаллаларда жамоатчилик назоратини кучайтириш, профилактика ишларини самарали ташкил этиш ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг функционал юкламасини қисман енгиллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди.

ҚАШҚАДАРЁ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Хушвақт Ҳайитов тадбиркорлик ва солиққа оид муаммолар юзасидан аниқ таклифларни ўртага ташлади. Маълумки, ҳозирги кунда йиллик айланмаси 1 млрд сўмгача бўлган корхоналар 4% солиқ тўлайди. Аммо, ушбу чегара белгиланган даврда доллар курси паст эди, шу боис, унинг ҳақиқий қиймати камайган. Демак, энди 1 млрд сўмлик чегарани валюта курси ёки энг кам иш ҳақига боғлаш керак – яъни доллар курси қанчалик кўтаририлган бўлса, чегара ҳам шунча фоизга оширилиши лозим.



Иккинчи муаммо – корхоналарда ишчиларни расмий ва норасмий ишлатиш ҳамда яширин иқтисодиёт. Қишлоқ ҳўжалигида ўзини ўзи банд қилиш тизими жорий қилинган. Бир ишчи учун йиллик БХМ (421 минг сўм) ҳисобланади, аммо ҳақиқий иш ҳақи ундан анча юқори бўлади. Масалан, ойига 5 млн сўм, йилига 60 млн сўм иш ҳақи тўлаш учун давлатга фақат 14,4 млн сўм тўлаш керак, аммо ҳозирда давлатга 421 минг сўм киради. Бу эса корхоналарни расмий иш ҳақи тўлашдан манфаатдор қилмайди.

Депутат таклифига кўра, давлат қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига ҳар бир ишчи учун йиллик БХМнинг икки баравари (824 минг сўм) тўлаб, хоҳлаганча расмий ишга олишга рухсат берилиши ва ушбу механизм дастлаб беш йилга жорий этилиши лозим. “Шундан сўнггина барчани тўлиқ расмий иш ҳақига ўтказиш мумкин”, дея таъкидлайди депутат.

О'zLiDeP фракцияси аъзоси Юлдузой Мамадиёрова дивиденд солиғини бекор қилиш ва банклардаги омонатларни солиққа тортиш орқали мамлакатда тадбиркорликка йўналдирилган маблағларни сезиларли даражада ошириш масаласини кўтарди.

– Фикр қилинг, сизда 2 миллиард сўм нақд пул бор дейлик. Бу пулни қўпайтиришни истасангиз, нимани танлайсиз, – дейди депутат. – Агар банкда омонатга қўйсангиз, бир йилда камида 23 фоиз – яъни 460 миллион сўм соф фойда olasiz. Энг қизиғи, амалдаги қондаларга кўра, шу 460 миллион сўмдан бир тийин ҳам солиқ тўламайсиз. Аммо шу 2 миллиард сўмни тадбиркорликка, масалан, ишлаб чиқаришга йўналтирсангиз, ҳолат бутунлай бошқача: янги маҳсулот ишлаб чиқариш, ишчи ёллаш, яъни янги иш ўринлари яратиш, қўшилган қиймат солиғини тўлаш, мулк солиғини тўлаш...



Шунга қарамай, олинган соф фойдадан ҳам 15 фоиз фойда солиғини тўлашингиз керак. Ва агар дивиденд сифатида маблағ олинган бўлсангиз, яна 5 фоиз дивиденд тўлови ҳам қўшилади.

Мана шундан келиб чиқади: пулни тадбиркорликка тикканингизда, солиқлар ва хатти-ҳаракатлар куп, таваккалчилик катта, даромад эса аниқ бўлмайди. Аксинча, банкда эса соф ва солиқсиз фойда. Шундай экан, ҳозирги қондалар билан тадбиркорликка пул йўналтириш кўпчилик учун маъқул эмас.

Менинг фикримча, айнан шу 5 фоизлик дивиденд солиғи мамлакатда тадбиркорлик ривожига тўсқинлик қиладди. Шу боис қуйидагиларни таклиф қиламан:

Банк омонатлари фоиз даромадларини солиққа тортиш – камида 12 фоизли дифференциялаштирилган ставка билан. Бу, тахминга кўра, мамлакат бюджетига триллионлаб сўм маблағ келтириши мумкин. Лекин камида 200 миллион сўмгача бўлган омонатлардан солиқ олинмаслиги зарур, бу қуйи қатлам аҳоли учун зарур ошмоқ қадам бўлади.

Дивиденд солиғини бекор қилиш – шу тарихқа пулини тадбиркорликка йўналтирган шахслар сони ортиши, юртимизда фаолият ва меҳнат орқали даромад олиш маданияти ўсиши ва натижада иқтисодиётнинг кескин ривожланишига эришилади.

ФАРҒОНА

Олий Мажлис депутати Мавлуда Иброҳимова ҳудудларни ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик (*ДХШ*) механизмидан самарали фойдаланиш бўйича муҳим ташаббусни илгари сурди.

Ҳозирги қондаларга кўра (*БМК-720-сон, 30.10.2024 й.*), умумий қиймати бир миллион АҚШ долларигача бўлган ДХШ лойиҳаси концепцияси давлат шериги томонидан мустақил тасдиқланади. Аммо амалий ҳаётда бир миллиондан ортқ лойиҳаларни ваколатли орган билан келишиш ва керакли ҳужжатларни тўплаш кўп вақт ва ресурс талаб қиладди.



Халқ вакиласи таклиф қилаётган янгилик шуки, вилоят ҳокимликлари умумий қиймати 10 миллион АҚШ долларигача бўлган ДХШ лойиҳалар концепциясини мустақил равишда тасдиқлаш ҳуқуқини олишлари мумкин бўлади.

Бу ўзгариш вилоятлардаги инвестицион муҳитни сезиларли даражада яхшилашга, рақобатбардosh хусусий шерикларни жалб қилиш ва истиқболли лойиҳаларни тезроқ амалга оширишга хизмат қиладди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигидаги лойиҳаларнинг тезроқ ва самарали рўёбга чиқишига йўл очилади, бу эса иқтисодий ўсишга салмоқли ҳисса қўшади.

Ушбу саҳифа О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Фракция ва депутатлик гуруҳлари билан ишлаш департаменти тақдим этган материаллар асосида тайёрланди.

ТАҲЛИЛ

Мурожаат, таклиф ва ниҳоят ечим

O'zLiDeP шафелигида тузилган ишчи гуруҳ йилнинг **тўрт** фаслида ҳам тиним билмайди. Кузатсангиз, **гоҳи** олис Оролбўйида, **гоҳи** Сурхондарё кенгликлариди, **бу ёғи** эса водий вилоятларида **сиёсий куч хайрихоҳлари** орасида неча ўнлаб мурожаатлар юзасидан ўрганишлар олиб борилади, **сайловчиларни қийнаётган** айрим муаммоларга масъуллар билан бирга жавоб изланади. Хуллас, **бу гуруҳ аъзолари – парламентдаги партия фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, фаоллар қайси ҳудудда бўлишмасин, тadbиркорлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари томонидан ўртага ташланган ҳаётий масалалар бўйича жўяли таклиф ва ечимларни масъул идораларга ҳавола қилади.**

Бугун ўтган йилнинг кузида Наманган вилоятида ўтказилган ана шундай ўрганишлардан бири тафсилотларига тўхталмоқчимиз. Хўш, орадан уч ойча вақт кечган бўлса-да, ишчи гуруҳ томонидан кўтарилган бир қатор муаммолар бугун қайси босқичда турган экан?

Ўшанда **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов** бошчилигидаги ишчи гуруҳ вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида бевосита шу партиядан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар, фермерлар, тadbиркорлар, саноат, экспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар, иқтисодий ва саноат зоналари масъуллари, шунингдек аҳоли ва партия фаоллари иштирокида учрашув ва очик мулоқотларда қатнашган эди. Қолаверса, сафар дастури доирасида вилоятда фаолият кўрсатаётган хусусий клиникалар, нодавлат таълим ташкилотлари ҳамда “Ёшлар ва тadbиркорлик” кичик саноат зонаси фаолияти, тadbиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳам атрофлича ўрганилганди.

Табииyki, одатдагидек, бу каби тadbирларда асосан электрот аъзолари кўпроқ эшитилади. Бу гал ҳам шундай бўлди: хусусан, қурилиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базага оид масалалар алоҳида муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, қурилиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий база шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этса-да, амалдаги тизимда бир қатор камчиликлар сақланиб қолмоқда ва бу ҳолат соҳанинг изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, ҳозирги кунда амал қиляётган қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг аксарияти собиқ иттифок даврида, шунингдек 1990–2000 йилларда қабул қилинган бўлиб, улар замонавий қурилиш технологиялари ҳамда янги қурилиш материалларининг жадал ривожини тўлиқ қамраб ололмайди.

Бундан ташқари, миллий қурилиш стандартларининг халқаро стандартлар билан уйғунлашув даражаси пастлиги ҳам жиддий муаммолардан бири сифатида қайд этилди. Ўзбекистон давлат стандартларининг халқаро меъёрларга тўлиқ мос келмаслиги қурилиш маҳсулотлари ва хизматларининг халқаро бозорга чиқиш имкониятларини чеклаб қўяётгани таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларининг аксарияти сейсмик фаол зонада жойлашганлигини инобатга олган ҳолда, хавфсизлик талабларини янада такомиллаштириш, замонавий сейсмик ҳимоя технологияларини жорий этиш бўйича янги талаб ва ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича дунёда кенг тан олинган қатор стандартлар мавжуд. Жумладан, Европа қурилиш стандартлари (*European Codes*), Британия стандартлари (*British Standards*), Хитой миллий қурилиш стандартлари, Корея қурилиш кодекси, АҚШ халқаро қурилиш стандартлари (*International Building Code*) ҳамда Япония миллий стандартлари зилзилабардош, хавфсиз ва сифатли қурилишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан учрашув иштирокчилари томонидан қурилиш соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қатор таклифлар илгари сурилди. Хусусан, “Қурилиш соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, унга қурилиш стандартлари ва техник регламентларни киритиш, қабул қилиш ва амалиётга жорий этишнинг ягона тартибини белгилаш таклиф этилди. Шунингдек, қурилиш соҳасидаги техник регламент ва стандартларни ишлаб чиқиш жараёнида жамоатчилик муҳокамасини мажбурий босқич сифатида жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, қурилиш меъёрлари ва қоидаларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича аниқ “йўл харитаси”ни тасдиқлаш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини жорий этишни рағбатлантирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босқичма-босқич қабул қилиш ҳамда сейсмик хавфсизлик талабларини тақомиллаштиришга қаратилган махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш таклифлари ўртага ташланди.

Мазкур таклифлар қурилиш соҳасини замон талабла-

2025 йил 1 январдан бошлаб экспорт амалиётидан олинадиган даромад, яъни фойдага 15 фоиз миқдорда фойда солиғи жорий этилгани тadbиркорларда жиддий хавотир уйғотмоқда. Аввал ушбу солиқ ставкаси 1 фоизни ташкил этган бўлиб, унинг кескин оширилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ўсишига олиб келмоқда. Натижада айрим корхоналар хорижий ҳамкорлар билан тузилган экспорт шартномаларини қайта кўриб чиқишига ёки ҳатто бекор қилишга ҳам мажбур бўлаётгани қайд этилди.

Хорижий давлатлардаги мураккаб геосиёсий вазият сабабли экспорт қилинган маҳсулотлар учун тўлов ўтказмаларида кечикишлар кузатилаётгани таъкидланди. Айрим ҳолларда маҳсулотлар хориж томонидан қабул қилиб олинган бўлса-да, маблағлар ўз вақтида келиб тушмаётгани экспортчи корхоналарнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса келгусидаги экспорт амалиётини чеклаб қўйишга ва солиқ органлари томонидан жарималар қўлланилишига сабаб бўлаётгани айтилди.

Пилла ва ипак чиқиндиларини экспорт қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам тadbиркорларни ташвишлантираётган асосий муаммолар қаторида қайд этилди. Хусусан, ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси коди (*5003000000 – ипак қурти пилласидан қолган, қайта ишлаган мўлжалланган хомашё*) бўлган пилла ва ипак чиқиндилари экспортига 1 тонна учун 500 АҚШ доллари миқдоридида божхона божли белгилангани мазкур маҳсулот экспортига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги таъкидланди. Республика ҳудудида пилла чиқиндиларини қайта ишлаш тизими мавжуд эмаслигини ҳисобга олганда, 5–6 минг тонна пилла чиқиндиси чиқинди сифатида йўқотилиши эҳтимоли мавжуд.

Бундан ташқари, товук панжаларини Хитой Халқ Республикасига экспорт қилиш масаласида ҳам айрим тусиқлар мавжуд. Мазкур маҳсулот Хитой томонидан импорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхатига киритилмагани боис ушбу экспорт йўналиши амалда тўлиқ тўхтаб қолгани таъкидланди.

Юқоридида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида тadbиркорлар ва соҳа вакиллари томонидан қатор аниқ таклифлар илгари сурилди. Жумладан, 2025 йил 1 январдан экспорт амалиётидан олинадиган даромадга жорий этилган 15 фоизлик фойда солиғи ставкасини камайтириш таклиф этилди. Бу экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаб қолиш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, хорижий давлатлардаги геосиёсий вазиятни инобатга олган ҳолда, келгусида божхона назорат пунктлари ва солиқ органлари томонидан экспортчи корхоналарга тўловлар кечикиши билан боғлиқ ҳолатларда қатъий таъсир чоралари ҳамда солиқ жарималари қўлланилмаслиги таклиф этилди.

Пилла ва ипак чиқиндилари экспорти бўйича эса пилла мавсуми даврида белгиланган бож ставкасини вақтинчалик тўхтатиб туриш ёки 1 тонна пилла чиқиндиси учун бож миқдорини 100 АҚШ доллари этиб белгилаш мақсадга мувофиқ экани билдирилди. Бу орқали вилоятда 50–55 миллион долларлик пилла чиқиндиси экспорт амалиётини сақлаб қолиш имконияти яратилиши мумкинлиги ҳақида сўз борди.

Товук панжаларини экспорт қилиш масаласида эса Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш агентлиги томонидан Хитой давлатининг ваколатли ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш, мазкур маҳсулотни Хитой томонидан импорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхатига киритиш чораларини кўриш таклиф этилди. Бу орқали соҳа тadbиркорлари томонидан қўшимча 6–7 миллион долларлик экспорт амалга оширилиши мумкинлиги таъкидланди.

Ўрганишлар давомида яна бир долзарб масала – **тўқимачилик соҳасида хомашё етишмаслиги муаммоси ҳам ўртага ташланди**. Вилоятдаги ип-йигирув корхоналари оморларида 2024 йил ҳосилидан етиштирилган пахта толаси захиралари тугагани сабабли, 100 дан орტიқ тўқимачилик корхоналарида хомашё танқислиги юзага келмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқариши ва экспорт кўрсаткичларининг пасайишига олиб келмоқда.

ип-йигирув корхоналари томонидан йил якунига қадар 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 60 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконияти яратилиши таъкидланди.

Ўрганишлар давомида фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш, унинг ҳолати тўғрисида ишончли ва очик ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини

ўқувчиларни яшаш ҳудудидаги оддий мактабларга ўтказиш ҳолатлари ҳам кузатишмоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида қатор таклифлар илгари сурилди. Жумладан, Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомининг 47-бандига ўзгартириш киритиб, 1-синфга қабул жараёнларини 20 апрелдан 31 майга қадар микроҳудуд доирасида, 1 июндан 15 июнга қадар



таъминлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўз ижобий самарасини бераётгани қайд этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Орхус конвенциясига қўшилгани (*2025 йил 11 март, УРҚ-1045-сон*) ушбу йўналишдаги муҳим қадам сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, очик маълумотлар бўйича халқаро **Open Data Inventory (ODIN)** рейтингидида Ўзбекистон 2024 йил якунларига кўра 198 та давлат орасида 83 балл билан 12-ўринни эгаллагани, 2020 йилга қадар эса 167-ўринда бўлгани мамлакатда очиклик ва шаффофликка эътибор кўчайганидан далолат беради.

Бироқ амалий таҳлиллари экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши ва яшил иқтисодиётга доир маълумотларни эълон қилиш масаласида ҳали ҳам муайян бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Айниқса, Наманган вилояти мисолида ушбу йўналишда жамоатчилик учун очик маълумотлар деярли мавжуд эмаслиги, қўшимча ўрганишлар эса республика ҳудудларининг аксар қисмида ҳолат бир хил эканини кўрсатди. Бу эса аҳоли томонидан асосли эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Ўрганишлар натижасида қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, тегишли маълумотлар мавжуд бўлса-да, улардан кенг жамоатчилиكنинг тўлиқ фойдаланиши учун етарли шарт-шароит яратилмаган. Бу ҳолат амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини баҳолашга, шунингдек, Конституцияда мустақамланган нормаларнинг тўлиқ ижросини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Бундан ташқари, мавжуд маълумотлар турли маҳсулот давлат органларининг ахборот ресурсларида тарқоқ ҳолда жойлашган бўлиб, ягона ахборот тизимида мужассамлаштирилмаган. “Очиқ маълумотлар портали”да айрим маълумотлар эълон қилинган бўлса-да, улар умумий халқарога эга бўлиб, жамоатчилик учун тўлиқ ва таҳлилий маълумот олиш имкониятини бермапти.

Маълумотларни шакллантириш, эълон қилишнинг рўйхати, ҳажми ва мuddатларига доир аниқ талаблар мавжуд эмаслиги ҳам муҳим муаммолардан бири сифатида қайд этилди. Амалиётда ҳукумат қарорлари билан тасдиқланганидан “Статистика дастурлари” мавжуд бўлса-да, улар барча экологик ва иқлимга оид маълумотларни қамраб олмайди. Шу билан бирга, маълумотлар рўйхатини шакллантириш ваколатининг тўлиқ масъул давлат органлари ихтиёрида қолиб кетгани давлатнинг жамоатчилик олдидидаги очиклик мажбуриятларини бажаришга салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида “Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунга қатор муҳим нормалар киритиш таклиф этилди. Хусусан, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришига доир маълумотларнинг давлат фондиди юритиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи сифатида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигини белгилаш таклиф этилди. Шунингдек, мазкур давлат фондиди юритиш тартибини аниқ белгилаш ҳамда давлат фондига маълумот тақдим этишдан бош тортганлик учун жавобгарлик чораларини қонун даражасида мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Ўрганишлар давомида **таълим хизматларини кўрсатиш ҳамда таълим сифатини оширишга салбий таъсир қиляётган айрим муаммолар ҳам аниқланди**. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомининг 47-бандига мувофиқ, умумтаълим муассасалари раҳбарияти ҳар йили июнь-август ойларида ўқишга қабул қилиш ишларини ташкил этиши лозим. Бироқ амалиётда ушбу даврда мактаб жамоаси меҳнат таълимида бўлиши сабабли ходимларни асоссиз равишда ишга жалб қилиш ҳолатлари кузатишмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда вилоятда 1 та Президент мактаби, 1 та ижод мактаби, 1 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва 13 та ихтисослаштирилган мактаб фаолият олиб бораётгани қайд этилди. Ихтисослаштирилган мактабларда ўқув жараёни ҳар куни соат 8:00 дан 16:00 га қадар тўғарақлар билан бирга ташкил этилади. Ушбу мактабларнинг 7 таси чекка ҳудудларда жойлашган бўлиб, айниқса, куз-қиш мавсумида, кун қисқарган ва ҳаво совуқ вақтларда ўқувчилар узоқ масофалардан қатнаб ўқишга мажбур бўлмоқда.

Натижада ўқувчилар таълим учун ажратилиши лозим бўлган вақтнинг катта қисmini йўлга сарфламоқда, оналар эса кунлик йўл ҳақи ва бошқа харажатларни қоплашда қийинчиликка дуч келмоқда. Айрим ҳолларда эса

эса микроҳудуддан ташқари амалга ошириш тартибини жорий этиш таклиф этилди.

Шунингдек, вилоятдаги 12 та ихтисослаштирилган мактабга ҳукумат қарори асосида ихтисослаштирилган мактаб-интернат мақоми бериш, 9 та мактабда ётоқхона қуриш, 4 та мактабда эса мавжуд ётоқхоналарни жорий таъмирлаш ва замонавий жиҳозлаш зарурлиги таъкидланди.

Ўрганиш жараёнида навбатдаги масала, **бугунги кунда санитар авиация хизматларидан факат давлат тиббиёт муассасаларида даволанаётган беморлар фойдаланиши учун имконият яратилган. Бироқ хусусий тиббиёт клиникаларида даволанаётган беморлар учун ушбу хизматдан фойдаланиш амалда чеклаб қўйилгани муаммоси бўлди**.

Қонунчиликка мувофиқ, хусусий клиникалар ҳам дастлабки тез тиббий ёрдам кўрсатишга мажбур ҳисобланади. Аммо оғир ҳолатдаги бемор мурожаат қилганда клиникада фаолият юритмайдиган тор мутахассис ёки юқори малакали шифокор ёрдами талаб этилса, санитар авиация хизмати томонидан кўмак кўрсатилмаётгани қайд этилди. Бу эса бемор ҳаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф туғдирмоқда.

Шу муносабат билан хусусий тиббиёт клиникаларида даволанаётган оғир беморларга ҳам зарур мутахассис кўригини ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида санитар авиация хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиш таклиф этилди.

Мулоқотлар жараёнида Наманган вилоятида халқаро туризм тadbирлари ва фестиваллар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани, хусусан, Наманган шаҳрида ўтказилган 64 – “Халқаро гуллар фестивали” 2025 йил 25 майдан 29 июнга қадар давом этгани, меҳмонлар географияси сезиларли даражада кенгайиб, АҚШ, Англия, Германия, Россия, Туркия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Беларусь, Озарбойжон, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғизистон каби қарийб 20 га яқин давлатлардан ташриф буюрувчилар қайд этилгани, фестиваль доирасидаги тadbирларда 720 мингдан ортиқ хорижий ва 7 миллиондан зиёд маҳаллий сайёҳлар иштирок этгани фахр билан таъкидланди.

Шу билан бирга, вилоятнинг бой туристик имкониятларини тўлиқ намоён этишга тўсқинлик қиляётган айрим муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Хусусан, темир йўл орқали Наманган вилоятига келаётган маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг асосий қисми ханузгача Поп туманида жойлашган темир йўл вокзали орқали ташриф буюрмоқда. Ушбу вокзалнинг Наманган шаҳри марказидан 70–80 километр масофада жойлашгани сабабли, сайёҳлар вилоят маркази ва асосий туризм объектларига етиб бориш учун қўшимча 1,5–2 соат вақт сарфлашга тўғри келмоқда. Айниқса, йирик фестиваллар ва оммавий тadbирлар даврида мазкур ҳолат логистика ва қулайлик нуқтаи назаридан жиддий муаммоларни келтириб чиқариб, туристик оқимнинг чекланишига ва вилоятнинг халқаро туристик имижига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллий ҳунармандчилик ва миллий маҳсулотлар туризм хизматлари билан етарлича интеграция қилинмагани ҳам таъкидланди. Вилоятда 400 га яқин ҳунарманд фаолият юритса-да, аксарияти туристик маршрутлардан ташқарида жойлашган бўлиб, сайёҳлар билан бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга эмас.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида қатор амалий таклифлар илгари сурилди. Жумладан, йирик халқаро фестиваллар даврида “Андижон – Урганч” ҳамда “Андижон – Термиз” йўналишидаги узоқ масофали поездлар қатновини ҳафтагисига камида бир марта Наманган шаҳри орқали ўтадиган қилиб қайта йўналиштириш таклиф этилди. Шу билан бирга, заруратдан келиб чиққан ҳолда, вилоят ҳудудидаги туристик ва соғломлаштириш масканларига хизмат кўрсатувчи қўшимча темир йўл йўналишлари ёки махсус “туристик рейслар” тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди. Ҳар бир туманда “Хунармандлар кўчаси” лойиҳасини амалга ошириш, туристик объектлар ҳудудида маҳаллий маҳсулотлар учун махсус савдо павильонларини ташкил этиш орқали ҳунармандчиликни туризм билан узвий боғлаш таклиф этилди.

O'zLiDeP ишчи гуруҳи томонидан тақдим этилган материаллар асосида “XXI asr” мухбири Абдулла ЧИМИРЗАЕВ таъйёрлади.



ри асосида ислоҳ қилиш, аҳоли учун хавфсиз ва сифатли муҳит яратиш ҳамда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Шунингдек, жараёнда тadbиркорлик субъектлари томонидан экспорт фаолиятини амалга оширишда қатор тизимли муаммолар мавжудлиги маълум қилинди. Хусусан,

Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида ип-йигирув корхоналари томонидан Туркиянинг Мерсин шаҳри орқали АҚШда етиштирилган юқори сифатли пахта хомашёсини импорт қилиш ва ушбу жараёнда ташиш харажатлари учун давлат томонидан субсидия ажратиш таклиф этилди. Мазкур масала ижобий ҳал этилган тақдирда, вилоятдаги



ЭҲТИРОМ

Кечагидек ёдимда, рошпа-роса қирқ йил аввал ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетида тахсил олардик. Ўқишнинг иккинчи ё учинчи куни эди. Баланд бўйли, қадди-қомати келишган устоз кўнгироқ чалинишидан икки-уч дақиқа аввал хонага кириб келди. Саломлашиш учун ҳамма ўрнидан турди. У индамай, орқадаги парталардан бирига бориб ўтирди. У киши билан танишув шундай бошланган. Кейин билсак, бизга дарс бериш учун қирган ўқитувчи аслида ўзимиз қатори талаба экан...

ИЛМ ЙЎЛИНИНГ НУРЛИ БЕКАТЛАРИ

Тўлқин Алимардонов бугунги кунда сиёсий фанлар доктори, профессор. Чинакамига устозлик мақомига эришган, кўплаб шогирдлар етиштирган, мамлакатимиз илм-фани тараққиётига билим ва салоҳияти билан ҳис-са қўшиб келаётган пешқадам олимлардан бири. Унинг илмий педагогик фаолияти кенг қамровли экани билан эътиборга молик. Тошкент давлат техника универ-ситети аспирантурасини тамомлаб, ишни шу даргоҳда ўқитувчилик қилишдан бошлади. Кейинчалик Тошкент кимё-технология ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтларида талабаларга сабоқ берди. Ўзбекистон Республикаси божхона ва солиқ органлари академияси ҳамда Ўзбекистон жаҳон тиллари университетиди до-цент сифатида фаолият юритди. Бундан ташқари, яна қатор олий таълим муассасаларида кафедра мудири ва профессор бўлиб ишлади.

Умрини илмга бахшида қилган Тўлқин Алимардо-нов “Мустақиллик шароитида жамиятнинг тоталитаризмдан демократияга ўтиш муаммолари” мавзусида сиёсий фанлар номзоди ҳамда “Жамиятда сиёсат ва ахлоқ мувозанати муаммолари” мавзусида сиёсий фан-лар доктори илмий даражасини олган.

Албатта, олимлик жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларга илмий нуқтаи назардан ҳаққоний баҳо бериш, таҳлил қилиш, фаразларини асосли далиллар мисолида исботлаш, янгича ғоялар таклиф қилиш билан белгиланади. Тўлқин Алимардонов илмий тадқиқотларининг бирламчи ва ўзига хос жиҳат-лари шундаки, у жамиятнинг тарихан шаклланиши, ри-вожланиши ҳамда тараққиёт босқичларида қандай ғо-ялар устуворлик қилишига алоҳида эътибор қаратади.

Олим инсоният таназзулига қандай омиллар сабаб бўлиши ҳақида чуқур таназулҳа юритади. У жамиятнинг сиёсий ахлоқи катта кучга эга эканига алоҳида ургу беради. Ахлоқ тушунчасига сиёсий тизимини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қарайди. Шу сабабли ахлоқ масаласини китобларининг бош мавзусига олиб чиқа-ди. Олимнинг “Сиёсат ва ахлоқ”, “Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси”, “Амир Темуր давлат бошқаруvinинг ахлоқий асослари”, “Эркинлик руҳи”, “Учмас шараф”, “Шароф Рашидов”, “Амир Темуr империяси”, “Сиёсат фалсафа-си” каби монографиялари илмий жамоатчилик ва ки-тобхонларга яхши таниш.

Устоз илмий асарларига, хоҳ мақола бўлсин, хоҳ йирик ҳажмли китоб, ном талнашда ўзига хос тарзда ёндашади. Биргина “Амир Темуr империяси” китоби-нинг номланиши бир қанча тортишув ва баҳсларга са-баб бўлган. Фалсафа фанлари доктори, профессор Саъдулла Отамуродов билан ҳаммуаллифликда ёзил-ган “Сиёсат фалсафаси” дарслиги ҳам айрим танқидчи-ларнинг фикрича “Сиёсий фалсафа” бўлиши керак эди. Бироқ муаллифлар сиёсат фалсафаси билан сиёсий фалсафанинг фарқини етарли далиллар асосида илмий жиҳатдан асослаб берган. Мазкур дарсликда сиёсат фалсафасининг шаклланиш жараёнлари, ғоялар тўқна-шуви, миллий ўзликини англаш, миллий мафкура ва онг, глобаллашув замониди сиёсат фалсафасининг ўрни ва роли, давлатнинг шаклланиши ва тараққиётида омма-нинг иштироки, давлатнинг омма олдидаги бурчи ва ва-зифалари каби масалалар батафсил ёритилган.

Тўлқин Алимардоновнинг “Адолат тўғриси намуру?”, “Оломон жамияти ёхуд маънавий хасталик аломати ни-мада?”, “Миллат руҳи ёхуд жавобгарлик масъулияти”,



“Таниш-билишчилик иллатми?”, “Тарих фалсафаси-да тарихий шахс талқини”, “Файласуфнинг табиати”, “Олимнинг олами” каби мақолаларида муаллифга хос бўлган шижоат, эзгулик йўлидаги кураш ғоялари етак-чилик қилади. Миллат тақдирини, инсон эрки, шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабати олимнинг деярли барча тадқиқотларида асосий мавзу сифатида кўтарилган.

Тўлқин Алимардонов 150 дан ортиқ илмий мақола, 2 та ўқув ва 8 та услубий қўлланма, 5 та монография муаллифи. Шунингдек, илмий педагогик фаолияти да-вомида ҳозиргача 2 нафар фан доктори, 8 нафар фан номзоди (PhD) илмий даражаси учун шогирдлар тай-ёрлаган. Бугун унинг босиб ўтган машаққатли йўлини давом эттираётган, шу орқали юрт равнақига муносиб ҳисса қўлишни ният қилган ёшлар ораминда кўпчилиги кўнгилни чоғ қилади.

Устозни чин маънода энг бахтли инсонлардан бири дейиш мумкин. Чунки олтинчиинчи довоини қаршилаёт-ган одам дуоғўй ота-онанинг доно ўғит ва маслаҳат-ларига қулоқ тутиб яшаши улўғ неъмат эмасми? Тўқ-сонни қоралаётган бўлса-да, Турди бобо олим ўғлига ҳамон йўл-йўриқ кўрсатади, ўз тажрибаларини сўзлаб беришдан эринмайди. Донишмандларнинг “Олим бўлиш осон болам, одам бўлиш қийин” деган ҳикматлари исбо-тини кўп ҳаётни мисоллар асосида сўзлаб беради...

Олим халқи ҳеч қачон тиниб-тинчиб ўтиролмайди. Янгидан янги мавзуларни таҳлил этиш, изланиш ва ор-тидан келаётган ёшларнинг бошини силаш улар учун умр мазмунидир. Шу маънода Тўлқин Алимардонов учун ҳам ҳали катта ишлар олдинда...

Юсуф ЗИЁД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ФАРМОН ВА ИЖРО

Биламизки, архивлар – жамиятнинг тарихий хотираси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг ишончли манбаи саналади. Шу боис ушбу тизим фаолиятида ҳалоллик, адолат ва ҳолислик тамойилларига қатъий амал қилиниши шаффоқлиқни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда архив соҳасини ривожлантириш, замонавий талаблар асосида тақомиллаштириш, хусусан, рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, ҳодимларнинг касбий малакаси ва масъулиятини ошириш, коррупция ҳолатлар-нинг олдини олишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил 24 ноябрда имзоланган “Архив иши соҳа-сини рақамлаштириш ва соҳада бошқарув са-марадорлигини янада ошириш чора-тадбирла-ри тўғрисида”ги фармон туб бурилиш бўлди, дейиш мумкин.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, архив ишини замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этиш, ҳужжатларни рақамли шаклга ўтказиш қўламини кенгайтириш, 2030 йилга қадар Миллий архив фонди ҳужжатларининг камида 60 фоизини рақамлаштириш, электрон ҳизматлар улушини 100 фоизга етказиш ҳамда хизмат кўрсатиш мuddатларини камида уч ба-раварга қисқартириш вазифалари белгилан- берилди. Шунингдек, амалдаги архив ахбо-рот тизимлари негизида Ягона миллий архив ахборот тизимини жорий этиш, электрон архивлар ва очик ахборот ресурсларини кенгай-тириш ҳам устувор мақсадлардан бири сифа-тида белгиланди.

Амалга оширилаётган ушбу чора-тад-

бирлар архив хизматларида инсон омилига боғлиқ ҳолатларни камайтириш, ноконуний аралашувлар ва суиистеъмолчиликнинг ол-дини олиш, хизматлар кўрсатишда очиклик ва ҳолисликни янада кучайтиришни таъминла-моқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2025 йил декабрь ҳолатига кўра, Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармаси ва унинг тизими-даги давлат архивларида жами 2 миллион 400 мингдан ортиқ сақлов бирлигидаги ҳужжат-лар мавжуд. Шундан 1 миллион 500 мингдан ортиғи шахсий таркибга оид ҳужжатлар, 400 мингдан зиёди Миллий архив фондининг бош-қарув ҳужжатлари, 57 мингдан ортиғи эса алоҳида қимматли ҳужжатлар ҳисобланади. Тошкент шаҳар марказий давлат архивида давлатимиз раҳбарининг ушбу фармони ижро-сини таъминлашга алоҳида эътибор қарати-лмоқда.

Шу билан бирга, архив хизматларида ҳа-лоллик ва адолат тамойилларини мустаҳкам-лашда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тизимини кучайтириш алоҳида аҳа-мият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўла-диган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини за-ифлаштирадиган энг жиддий таҳдиддир. Кор-рупцияга йўл қўйиш ислохотларимизга хи-янатдир. Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қила-миз”, деган сўзларини эслайлик.

Бугунги кунда “Ўзархив” агентлиги ва

МАТОНАТ МАЛИКАСИ ЁХУД ҲАЁТ СИНОВЛАРИНИ МАРДОНА ЕНГИБ ЯШАЁТГАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ЗЕВАР САФАРБОЕВА ҲАҚИДА СЎЗ

...У мактабда яхши ўқирди. Айниқса, аниқ фанларни тез қабул қилар, кимё-физика формулаларини жуда осон магзини чакарди. Мабодо тақдир насиб этса, шу йўналишдаги олий ўқув юртида ўқиш нияти бор эди. Аммо тақдир уни бошқа бир синовга дучор қилди: отасининг синглиси олти нафар қиздан кейин ўғил кўрган, аммо у ҳам юрак нуқсонин билан туғилган эди. Она барибир ўз дилбандининг келажаги бус-бутун бўлишини ўйлайди, касал ўғилга бегона одам қиз бериши қийин. Охири ўйлай-ўйлай акасидан энди мактабни битирган қизини келинликка сўради. У ҳам узоқ мулоҳазадан сўнг, на илож, жигарчилик, розилик билдирди. Шундай қилиб, Зевар аммасига келин бўлди.

Табиатан оғир-босиқ, ҳеч қачон ота-она раъйига қарши бормаган, ҳар қандай мушкулотга кўниб яшаш-ни афзал деб билган қиз тақдирига тан берди. Касалманд Шавкатбек би-лан тинч-тотув яшай бошлади. Кўёв бухгалтерлик касбини эгаллади ва туман халқ таълими бўлимида ишлаб юрди. Унинг ҳам аёлидан кўнгли тўқ эди. Чунки кимсан жондай аммаси-нинг ёлғиз дилбандига бор меҳри-ни бериб, парваришлар, рўзғор ишларига ҳам кўп уринтирмас эди. Йигитнинг ҳам орзулари бир дунё бўлса-да, имконияти чекланганди. Бўш қолди дегунча, қўшиқ хиргойи қилар, ўзича турли ролларни ижро этарди. Ҳатто пойтахтдаги катта те-атрлардан бирининг директорига уч-раб, ишга қабул қилишини сўраган, агар сахнага чиқса, шу артистлардан ўн баробар ўтқариб роль ижро эти-шини айтганди.

Ҳаёт шу зайлда давом этар, Зе-вар далада ишлар, қўли чаққон эди. Тўй-ҳашамларда пишириқлар тайёр-ларди. Оиласи қийналиб қолганда, ҳатто Тошкентга келиб, ҳар йили уч-тўрт ой ишлаб ҳам кетарди. Яратган уларга тўрт қиз ато этди. Икки кўз-лари тўрт бўлиб, ўғил қутишарди, бу бахт ҳам насиб этди. Умирбек оила-нинг қувончи бўлиб улғая бошлади. Аммо, фалокатни қарангки, гўдаккина икки ёшга тўлганида дўхтирларнинг нотўғри муолажаси туфайли белдан пасти шол бўлиб, ишламай қолди. Қўл ҳаракатини ҳам бошқара олмасди. Қарастмаган шифокор қолмади, ле-кин ҳеч ким даво топа олмади: бола мажруҳ бўлиб улғая бошлади...

Албатта, оиланинг ташвиши кўпайди, яримжон отанинг ёнига но-гирон фарзанд кўшилди. Уни пойтах-тдаги илмий текшириш институтига олиб келиб даволатиш, ҳар йили қат-наш ташвишлари бечора онанинг зим-масига тушди. Таассуфки, бу ҳам кам экан. Учинчи қизлари Замира мактаб-ни битириш арафасида орзуларга тў-

либ, эртанинг ҳавоси билан яйраб юр-ганда... бахтсиз тасодиф рўй берди. Йўл четида турган дугоналарни ма-шина уриб кетди. Замира боши билан ерга ийқилиб, ҳушини йўқотди ва шун-дан кейин ақлий ногирон бўлиб қол-ди. Соғлиғи жойида, ойдек қиз ўзини бошқара олмай қоларди. Энди уни ҳам Сергелидаги руҳий касалликлар шифохонасига олиб келиб даволатиш онанинг чекига тушди.

Эҳ, фалокат устига яна бир ку-тилмаган синов кутиб турган экан: ои-ла устунин Шавкатбек тўшакка михла-ниб қолди. Энди аввалги ўтган кунлар ҳам ҳолва экан. Эр шундай аянчли ахволда уч йил ётди. Бу ёқда ногирон ўғил ва қизнинг ташвиши... Яна бунинг устига рўзғор ташвиши, кекса қайно-нанинг иссик-совуғи...

Агар кўнгил тоза, ният ҳолис бўл-са, Яратганнинг ўзи куч-қувват берар экан. Зевар ҳаммасига сабр билан чи-дади. Бу кунлар ҳам насиб этса ўтиб кетар, ойнаинг ўн беши қоронғи бўл-са, ўн беши ёруғ деган, башорат ҳам бор-ку, бу синовларни мардона ен-гаман, дея муштини қаттиқ тугди. Ва ҳаётнинг ачиқ ва аламли имтиҳонла-ридан ўтмоқ учун ўткир ақл билан иш тутиб, алал оқибат тушундики, бундай оғир қийинчиликлардан норози бў-лиш, оҳ-вой қилиш ортиқча. Бемор-ларга оғринмасдан чин дилдан меҳр бериб қарашар, бир ҳовуч томорқа-сига турли туман сабзавот ва бошқа экинлар ундириб парваришлар, ҳатто сигир-бўзоқлар ҳам боқишдан эрин-масди. Ўстига устак, ҳар йили икки-уч марта ногирон фарзандларини Тош-кентга олиб келиб, шифохоналарда даволатиш учун ҳам имкон топарди. Албатта, унинг бу даражада жасо-рат билан шунча оғир юкни кўтариш учун ўзида куч топаётганини кўрган пойтахтдаги қариндошлари ҳам унга баҳоли қудрат қўмақлашар, вақтинча яшаб туриши учун шароит яратиб, бўш вақтида тирикчилик қилмоғи учун ҳам иш топиб беришарди.



Шубҳасиз, бу каби машаққатли юмушларни уddалаш учун, ҳар қандай инсонда, аввало, куч, ирода, сабр ва метин асаб бўлмоғи керак, тўғрими? Тоғ бўлса кемирган, сув бўлса симирган Зевар опа ҳеч қачон бошидан кечирган синов ва машаққатлар учун нолимади, кўз ёшларини кўрсатмади, аксинча, ху-додан ўзига куч, сабру чидам тилади. Балки шунинг учун ҳам унга ҳаммаша савобталаб, саховатпеша одамлар дуч келгандир. Айниқса, шифохоналардаги қўли енгил мутахассисларнинг беғараз қўмақ берганларини ҳаяжон билан сўз-лайди бизга.

Шу орада умр йўлдоши ҳам дунё-дан ўтиб кетди. Ўғил ва қизи эса ҳа-мон доимий даволанишда. Умирбек-нинг мўйлаби сабза уриб қолибди. Бу улғайиш онага далда беради, тўйлар қилмоқдан умид узмайди.

Қорақалпоғистон Республика-сининг Беруний туманидаги Гулистон маҳалласида истикомат қилувчилар қияомиз қаҳрамони бўлмиш мато-натли аёл Зевар Сафарбоевани жуда ҳурмат қилишдади, қўлларидан келгу-нича қўллаб-қувватлашдади. Ҳаётнинг зилдаи ташвишларини қувонч билан енгиб келаётган бу муштирап юртдо-шимизнинг ойдаи ёруғ мунис чехраси бахту иқболдан мунаввар бўлмоғини тилаймиз!

Мунир РАҲИМОВ,
талаба

Ҳалоллик ва адолат: АРХИВ ХИЗМАТЛАРИДА ШАФФОФЛИК ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНМОҚДА?



унинг тизим ташкилотлари томонидан корруп-цияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, архив ҳодимларининг касбий ҳалоллиги ва соҳага масъулиятини ошириш мақсадида малака ошириш курслари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда семинар-тре-

нинглар ташкил этилмоқда. Шунингдек, жой-ларда тарғибот тадбирлари ўтказилиб, хизмат этикаси, ҳолислик, виждонийлик ва қонунга содиқлик масалаларига алоҳида эътибор қа-ратилмоқда. Бу эса архив тизимида соғлом ва ишончли муқитни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар марказий дав-

лат архиви фаолиятида фуқаролар мурожа-атлари ва жамоатчилик назорати шаффоф-лиқни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда. 2025 йилдан бугунги кунга қадар мазкур архивга фуқа-ролардан жами 6 мингдан ортиқ сўров ва мурожаатлар келиб тушган. Амалдаги қо-нунчиликка мувофиқ архив ҳужжатларидан фойдаланиш тартиби аниқ регламентлашти-рилган бўлиб, ҳар бир мурожаат белгилан-ган мuddатларда, қонуний ва ҳолис тарзда қўриб чиқилади. Бу эса адолат тамойили-нинг амалда таъминланишига, субъектнинг ён-дашувлар ва “таниш-билишчилик” ҳолатла-рининг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, архив муассасасида очик ахборот сиёсати изчил йўлга қўйилган. Жум-ладан, my.archive.uz электрон платформаси орқали архив хизматлари, мурожаат қилиш тартиби ҳамда зарур маълумотлар мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда. Бу эса фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини олдиндан билишига, архив хизматларидан эр-кин, қонуний ва адолатли фойдаланишига им-коният яратади.

Архивлар тарихни асраб-авайловчи мас-кан бўлиш билан бирга, бугунги ва келажак авлодлар учун адолат, қонун устуворлиги ва ҳақиқат мезони бўлиб қолиши лозим.

Бахтигул ЖУМАЕВА,
Тошкент шаҳар марказий давлат архиви
1-тоифали архивчиси

Иброҳим ҲАҚҚУЛ:

Навобий – бутун миллат ва Ватаннинг халоскори

...Хуллас, миллат онг ва тафаккур учун олис тарихда қолган нима нарсани қайта тирилтириш ёки ислоҳ қилиш зарур бўлса, Навобий улардан деярли ҳеч бирини назардан соқит қилмаган. Шу маънода Бобур Мирзонинг: “Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий (қўллаб-қувватловчи, кўмак берувчи) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай”, деган сўзларини қайта-қайта хотирлаш лозим. Ҳақиқатда ҳам, қадим Ҳирот ва азим Хуросон ўз тарихи мобайнида илм, ижод, санъат ва хунар аҳлига Навобийга тенг келадиган ғамхўр, муҳофиз, олийҳиммат ва холис зотни кўрмаган бўлиши керак. Ўзи табиатан гўзаллик ва ижод кишиси бўлганлиги, илмий, маданий, адабий юксалишни ҳар нимадан юқори қўя билгани туфайли ҳам Навобий неча юзлаб шоир, олим, мусаввир, муסיқачи, санъат ва хунар вакилларини сўзига инонтириб, ортидан эргаштиришга мушарраф бўлганди. Навобий маъқуллаган айтирли ҳар бир нарсани кўпчилик маъқуллаган, севса севгудек, суянса суянгудек шоири аралашган ва бош қўшган кўпдан-кўп юмушлар эл-юрт манфаати даражасида баҳоланган. Чунки ҳар қору ҳолда Навобий холис бўлган. Ҳар бир истеъдод соҳибининг ютуғини мулақо бегараз, тўда ёки гуруҳ манфаатидан йироқ ҳолда баҳолай билган. Хуллас, Навобийнинг бекиёс ва серғайрат шахсияти ўзи яшаган даврнинг эмас, балки барча давр ва замонларнинг ишонч ҳамда илҳом тимсолига айланган.

Алишер Навобий буюк тилшунос, адабиётшунос, тарихчи олим, давлат ва жамоат арбоби. Буни ҳамма билади. Навобий улуғ бир дин вакили, мутасаввиф, мутафаккир толмас сиёсатчи. Буни ҳам кўпчилик яхши англайди. Лекин буларнинг ҳеч бири Навобийнинг шоир-мутафаккирлигидан олдинга ўтганмас. Шоир бўлиш, шоир бўлганда ҳам зўр, бетакрор шоир бўлмоқ учун туғилганини Навобий ҳамма нарсадан ортиқ ҳис қилар, илҳом юз очган чоғларда замин билан само гўё ўрин алмашарди. Навобий ҳам дунё, ҳам охират, ҳам шодлик, ҳам қайғу, ҳам бахт, ҳам бахтсизлик, ҳам висол, ҳам ҳижрон, ҳам ўтмиш, ҳам келажак ижодкоридир. Унинг сўз, фикр, туйғу, ҳаёл ва армонларини турмушнинг тор, биқик, ўткинчи талаб ва манфаатларига мувофиқлаштириб бўлмаганидек, уларни ёлғон, ҳийла, алдов ва сохтакорликларга хизмат эттиришининг йўли ҳам берқидир. Чунки Навобий шеърлятида ҳар бир нарса гўзаллик, софлик, илоҳийлик сифатлари билан сайқалланган.

Инсоният бор экан, Навобий шеърляти ҳаётӣ, маънавий, ахлоқӣ зиё манбаи бўлиб қолаверади. Буюк шоир бу дунёга келишининг кетиши – қайтиши борлигини ҳар жиҳатдан теран талқин этиб берган мурид ва мураббий ҳамдир.

Биз нима демайлик ва қандай изоҳ бермайлик, ўтган асрда ҳам, кейинги юз йилликнинг аввалида ҳам Алишер Навобий ижодиётида турли шаклда талқин этилган жавонмардлик, тасаввуф, маломатийлик, ишк ва ирфон ғоялари ўқувчи қалбига таъсир ўтказиб, маънавий оламини ўзгартирадиган зайлда ёритиб берилгани йўқ. Ҳатто айрим

Атоқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул (1949–2022) буюк бобомиз ҳазрат Алишер Навобий ижодини ўрнатиш ва тадқиқ этишига бутун умрини бағишлаган зотлардан бири эди. Домла ҳаётлик даврларида “Навобийга қайтиш” деб номланган китобларининг 4 жилди наширдан чиққанди. Агар умр вафо қилса, бу хайрли ишни амалга оширмоқни, яъни Навобийнинг “Ҳамса”сига монанд 5 та китоб битмоқни ният қилган эди. Аллоҳнинг амри ўзга бўлди – 2022 йил устоз дунёдан ўтди ва унинг ушалмай қолган орзусини садоқатли шоғирдлари 2024 йилда амалга оширди. “Навобийга қайтиш”нинг 5 жилди чоп этилди...



Алишер Навобий ижодиётининг зоҳирӣ, яъни ташқи жиҳатлари тўғрисида ўзбек навоӣшунослигида ҳам, хорижий навоӣшуносликда ҳам кўп ишлар қилинган ва уларнинг маълум қисми такрор ёки ифодаси ўзгартрилган қайтариқлардан иборат. Лекин шоир шеърӣ меросининг ботинӣ моҳиятидан баҳс юритилган тадқиқотлар йўқ, ҳисоби. Ваҳоланки, навоӣшуносликнинг асосӣ вазифаси Навобий асарларининг маънавий, маърифӣ, руҳонӣ маъноларини очиб беришдир. Маълумки, совет замони моддиётчилиқ, зоҳирбинлик замони эди. Бундай вазиятда сийрат билан қизиқишга зарурият ҳам бўлмаган. Шунинг касофати бўлса керак, бугун ҳам “навоӣшуносман”, деб юрганларнинг аксарияти билан Навобий ижодининг ички олами ҳақида фикрлашиб бўлмайдӣ. Чунки улардан ҳар бири маънавийни моддийдан, руҳонийни жисмонийдан фарқолмайдиган бир аҳволга тушиб қолган.

Қизил империя даврида кўзимизга ва онгимизга қолган “некбинлик пардаси”ни йўқотадиган даҳо шоиримиз Алишер Навобийдир. Маълум бир тоифа ёки гуруҳнинг эмас, Навобий бутун миллат ва Ватаннинг халоскори эканини сира унутмаслик лозим!

2020

“Навобий ва биз” мақоласидан олинди.

УСМОН АЗИМ ДАН КЕЛГАН ЁЛҒОН ХАБАР

...Тўрт кунча аввал телефонимдаги телеграм гуруҳига Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимдан юборилган видео остида “Шу видеодаги сизми?” деган ёзув турган экан. Устоз қайсибир гуруҳда кўзи тушган бирорта ёски видеолавҳада тасвирга тушганларни аниқлаштираётган бўлса керак, деган ҳаёлда ҳалиги ҳаволани шоша-пиша очдим ва...

Товламачи фарибгарлар тузоғига илинганимни кейин тушундим!

Янги йил арафасида Тиббиёт академиясида талабаларга сабоқ берадиган олима жиянимдан келган “табрик” ҳам айнан “телефон-тузоқ” эканини англаганимизда кеч бўлган ва худди шундай тахлитда юборилган фејк кутловни аёлим очиб, чув тушиб қолганди.

Шу ондаёқ жиянимга кўнғироқ қилсам, у аламли оҳангда “Кўрмайсизми, тоға, телеграмимни кимлардир бузиб кириб, контактимда ким бўлса ҳаммасига “табрик” жўнатворибди. Икки соатдан бери нечтасидан уэр сўраб ётибман”, деди. Ўшанда, хайрият, йил охири бўлгани учун пластик карталаримизнинг тағи кўриниб қолувди. Мабодо ой боши бўлсайди, тамом, пенсия ё маошларимдан мосуво бўлиб, томошанинг каттасини кўрардик.

Сўнги вақтларда ижтимоӣ тармоқларда шу турдаги фарибгарлик жинояти кўпайиб кетгани ҳақидаги ташвишли хабарларга тез-тез кўзимиз тушгати. Уларнинг тузоғига илинган айрим фуқаролар пластик картасидаги бор будиан айрилиб қолишгани ва бу ҳақда тегишли органларга мурожаат қилишавётган бўлишса-да, афсуски, жўяли жавоб ололмаётганидан ёзғиришмоқда.

Ахборот технологиялари қанча ривожлана боргани сари ҳозирги замонда поёнсиз интернет ҳам уюшган ва уюшмаган товламачилар маконига айланиб бораётгани бутун дунё аҳлини жиддий ташвишга солмоқда. Ёнг даҳшатлиси, пихини ёрган қаззоблар телефон фойдаланувчилар руҳиятини яхши билишади, қандай йўл ва усуллар билан содда, лақма одамларни тузоқларига қандай илтиришни пухта эғаллашган.


Оддий мисол, бизнинг халқимизга хос меҳр-оқибат каби қадриятлардан ўз нафслари йўлида устамонлик билан фойдаланиб, ёнг яқин қариндош-уруғлар ёки дўст-ёрларининг телеграмига “Бошимга мусибат тушди, зудлик билан фалон миллион сўм ёрдам керак!” қабилидаги сохта хабарлар йўллашади. Соддалик қурсин, қани айтнинг, орамизда қай биримиз бирор жигарғушамиздан шундай мазмунда

ташвишли SMS келгудек бўлса, жим, томошабин бўлиб ўтира оламиз? Аксариятида ҳатто сўрамай-нетмасдан шоша-пиша яқинимизнинг пластик картасига айтилган маблағни ташлаб ҳам юборамиз. Жонли мисоллар кам эмас бу борада. Шундай қинғирликка дуч келиб, оғзи куйган банда бўлса, хўп-хўп, кўнғироқ қилди, ҳақиқатни ойдинлаштиради. Билмаганлар эса...

Ўн йилча бурун бир танишим Европага хизмат сафари билан бориб келган, қизёқ бир ҳолатни айтиб берган эди: “Сафарда дўконлардан уйдагиларга совға-салом оларман деган ниятда нақд пул (доллар) олиб кетгандим. Шундай пайтда жуда хижолатли воқеалар кўп бўлди. Масалан, бирор дўкондан савдо қилиш учун нақд пул кўрсатсам, сотувчи мижозлар менга ажабланиб қарашарди. Ўшандаёқ кўргандим, у ёқларда тўловлар аллақачон электрон усулга ўтказилган экан. Бизлар бўлсак, ҳалиям топангимизни сандиққа босиб, бозор-учарга бир қоп пул билан бориш одатимиздан кечганимиз йўқ”.

Бу каби тартиб-қоидалар бизнинг мамлакатимизда ҳам жорий этила бошлади. Айниқса, қатор тармоқлар, жумладан, тиббиёт ёки коммунал хизмат кўрсатиш тизимларида, йирик супермаркетларда нақд пулсиз савдо-сотиқ қилиш одатий турмуш тарзимизга айланиб улгурди (афсуски, ҳамон катта-кичик бозорлар ва дўконларда давлатга солиқ тўламаслик учун “терминал ишламаяпти” деган баҳонада нақд пул талаб қилинаётгани ҳам тараққиётимизга тушов бўлиб турибди).

Эслайлик, авваллари ҳар ойда электр энергияси, табиӣ газ ёки ичимлик суви учун тўловларни сарсон бўлиб, ўша ташкилотларга бориб, нақд пул билан амалга оширган бўлсак, бугун ушбу “операция”ларни бир сонияда қўлимиздаги телефон орқали бажаряпмиз. Шунинг учун ҳам нафақат ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари, балки турли нафақа ва пенсиялар ҳам асосан пластик карталарга автоматик тарзда ўтказиш амалиётини аҳолининг аксар қисми мамнуният билан қабул қилди. Ёки ўтган йилдан бошлаб йирик шаҳар-



лардаги жамоат транспортларида йўлқира ҳақи пластик карталар орқали тўланаётгани анча қулайлик туғдирди. Енгил таксилар хизмат ҳақи ҳам шу усулга ўтганидан одамлар хурсанд. Бу каби замонавий электрон ислохотлар ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайди. Аммо пластик карталар сони ошиши билан бир қаторда ўша “митти ҳамён”ларга кўз олайтираётган кимсалар ҳам кўпаймоқда.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев расидаги Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали тазминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳуқуқни муҳофаз қилиш ҳамда солиқ идоралари фалиятига кескин равишда танқидий баҳо берилгани бежиз эмас. Барчамиз гувоҳи ҳам бўлдики, тизимдаги қанча амалдорларга нисбатан вазифасидан озод қилишдан ташқари қонунӣ тартибда қатъӣ жазо қўлланари бўйича топириқ берилди. Албатта, бу чоралар бошқалар учун ўзига хос сабоқ вазифасини ўтати лозим.

Масалан, ички ишлар тизимидаги муаммолардан бири айнан киберхавфсизлик масаласи экани ҳеч кимга сир эмас. Бу эса тармоқ учун масъул ходимларни ўз вазифаларига ви-

ждонан ёндашишларини ўн қарра талаб қилмоқда. Негаки...

Яширин иқтисодиётга қарши ёнг самарали кураш тўловларни нақд кўринишдан электрон тўлов усулига ўтказиш ҳисобланади. Электрон усулда тўлов тадбирқору савдогарнинг даромадларини яшириши ва шу орқали солиқлардан қочишига чек қўяди. Солиқлар эса давлат иқтисодиётининг жон томири эканлигини ёслатиш бу ўринда ортиқча. Шу сабаб ҳозирда тўловларни босқичма-босқич электрон шаклга ўтказиш жараёни кетмоқда.

Электрон тўловлар орқалигина коррупция илдиизига болта урилиши кўпгина давлат тажрибасида синаб кўрилган.

Расмий хабарларга кўра, шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб электр энергияси, табиӣ газ ва ичимлик сувидан фойдаланганлик учун тўловлар фақат банк карталари ёки электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилиши белгиланди. Нефть-газ маҳсулотларини аҳолига сотиш, шунингдек, электрда ҳаракатланувчи транспорт воситаларини қувватлаш хизматлари ҳам нақд тўловлар қабул қилинмайдиган хизматлар турига қўшилди. Агар ҳозирги кунда аҳоли ихтиёрида беш миллионга яқин енгил автомобиль борлигини инобатга оладиган бўлсак, бу ана шунча сонли фуқаро-

лар банк картасига эга бўлишга мажбур эканлигини англатади. Демак, айни шу хизмат турларининг нақд пулсиз тўлов тизимига ўтиши ортда пластик картага эга юртдошларимиз сони кескин ошиб кетиши билан боғлиқ масъулият ётибди.

Демак, электрон тўлов тизимига босқичма-босқич ўтиш жараёнида эканмиз, биринчи навбатда фуқароларнинг пластик карталаридаги маблағларини ҳимоялаш тизимини мустақамлаш, бунда банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч ва қафолатни қатъӣ назорат қилиш керак. Айни пайтда киберхавфсизлик тизими “интернет ўғрилари”ни топиш ва жазолаш механизмини тезкор ва аниқ йўлга қўйиш шарт! Акс ҳолда... яна аввалгидек, топангимизни “кўрпача остига бекитиш”дан нарига ўтолмаймиз.

Тўғри, интернетга ўргимчак каби уя қуриб олган иблислар ҳам анойи эмас. Улар фарибгарликнинг янгида-янги усулларини ўйлаб топиб, содда одамларни чув тушириш ҳаракатларини ҳамон тўхтатгани йўқ. Яқинда Тошкент шаҳрида худди шундай фаолият билан шуғулланиб, қанчалаб фуқароларни қон қақшатган катта гуруҳ қўлга олингани ҳақидаги хабар бунинг исботи.

...Бу ёғини сўрасангиз, ўша кунги дилхиралikka ойдинлик киритмоқ учун Усмон Азимга кўнғироқ қиламан. У кишиям дарҳол узроҳликка ўта қолди: “Оббо, Рўзимбой, сизгама хабар бордимми, а? Икки кунча бурун хоразмлик шоир дўстим Матназар Абдулҳакимнинг ўғли Музаффардан менга бир видео келди. Балки раҳматли Матназар билан қачонлардир тушган видеотасвир бўлса керак-да, деб очибман...”

Кейин урди худо, кечанинг ўзида юздан ортиқ таниш-билишларим телефон қилди. Ҳаммасига менинг телеграмимдан видеохабар борибди. Билгичлардан сўрасам, “Сизнинг телеграмингизни бузиб кириб, контактингизда бўлганларнинг барига шундай сохта хабар жўнатилган. Ёнди бирор ҳафта телеграмингизни блоклаб турасиз, бошқа йўли йўқ, дейишди. Сиз сўраманг, мен айтмайин, бундай бедодликдан асабларим бузилиб, қанча одамдан уэр сўрашга мажбур бўлдим ва охири шунинг қасдига, бир кунда учта шеър ёзвордим...”

Рўзимбой ҲАСАН, “XXI asr” муҳбири

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ахтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожддин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоӣ-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган).

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ, Буюртма рақами: Г – 0245
Адади: 6176
Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 19:00

Тахририятга келган кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” давр олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ